Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

# БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

**Фарғоналиклар бутун дунё фани, маданияти, маънавиятига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошлари, қомусий билим эгаси Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорни катта хайрихоҳлик ва миннатдорлик ҳисси билан кутиб олдилар. Вилоятда ЮНЕСКО тадбир режасига киритилган бу катта тўйга тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Мухбиримиз шу масалага масъул бўлган айрим кишилар билан суҳбатлашди.**

**Фотиҳ АЗИМОВ, вилоят ҳокимининг ўринбосари, аллома юбилейини ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари:**

— Мен дастлаб бундай жаҳон миқёсидаги тадбир Фарғона вилоятида биринчи бор ўтказилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Халқимиз маънавий қудрати, маданий имкониятларини бутун дунёга машҳур қилган буюк юртдошимизнинг қутлуғ тўйини юксак савияда ўтказишга бел боғлади. Вилоятдаги ўнлаб ташкилотлар, корхоналар, юзлаб фуқароларнинг ташкилий қўмитага билдирган истак ва тилаклари фикримизни исботлаб турибди.

Мамлакатимизда бундай тадбирлар ўтказиш борасида яхши тажриба тўпланган. Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги байрамлари бутун жаҳонни лол қолдирганлигини яхши биламиз.

Буюк юртдошимиз таваллудига ҳам дунё бўйича катта эътибор ва қизиқиш билан қаралмоқда. Алломанинг тўйига юздан ортиқ мамлакатлардан меҳмонлар, 50 дан зиёд мамлакатдан эса табиатшунос, файласуф, фиқҳ илмининг таниқли намояндалари ташриф буюриши кутилаяпти. Айни кунларда ташкилий қўмита ва ишчи гуруҳи қизғин фаолиятни бошлаб юборди. «Аҳмад ал-Фарғоний» жамғармаси ташкил қилинди. Бу жамғармага моддий ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлаган ташкилотлар ушбу муҳим тадбирга бағишлаб шанбалик ўтказиш таклифи билан чиқишяпти. Қоҳирага, буюк аллома сўнгги макон топган муқаддас масканга илмий экспедиция уюштириш ва юртдошимиз хокини киндик қони тўкилган заминга олиб келиш тадориги кўрилмоқда.

**Алижон МЎМИНОВ, Фарғона шаҳар ҳокими:**

— Буюк юртдошимиз Қувада таваллуд топган бўлса ҳам, тўйининг асосий тантаналари вилоят марказида ўтказилади. Фарғоналиклар юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг Аҳмад ал-Фарғоний номини эъзозлаш, абадийлаштириш борасидаги ҳаракатни бошлаб юборишган эди. Шаҳардаги энг катта шоҳкўчага улуғ юртдошимиз номи берилган. У кишининг номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғи эса тантаналар ўтказиладиган асосий майдонга айлантирилади. Айни кунларда Аҳмад ал-Фарғоний боғини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Юртдошимиз номи билан аталадиган шоҳкўча ва истироҳат боғидаги ҳар бир уй-жой, бино, дарахт, ўсимликлар эътибордан қолмайди. Боғдаги 225 хил ноёб дарахтлардан аксарият қисмининг ёши бир неча асрларга бориб тақалади. Тўй шарофати билан меҳмонхоналарни қайта таъмирлаш, аэропортда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режаларини ҳам тузиб қўйганмиз.

**Муҳаммаджон НОСИРОВ, Қува тумани ҳокими:**

— Бутун дунё эътироф этган алломанинг Қувада туғилганлиги, вояга етганлиги бизга олам-олам қувонч ва ифтихор бағишлайди. Бундан ўн беш аср илгари Қува нафақат Фарғона водийсининг, балки бутун Мовароуннаҳрнинг иқтисодий, маданий, маърифий марказларидан ҳисобланган. Шаҳар марказида 16 гектарлик қадимий Шаҳристон тупроқ остида ётибди. Ана шу Шаҳристон кўчаларида буюк бобомизнинг муқаддас излари қолган. Шу ердаги кутубхонадан дастлабки сабоқларни олган. Қутлуғ тўй муносабати билан Шаҳристонни қазиш, қайта тиклаш ишларига жиддий киришаяпмиз. Шаҳристоннинг тарихий девори қайта тикланди. Бу ерда бобомизнинг музейи ва мақбарасини бунёд этиш режалаштирилган. Аллома сиймосини, қиёфасини тиклашда ҳам янгича йўл танланаяпти. Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов олтмиш нафар қувалик нуроний отахонлар орасидан улуғ ватандошимизнинг рамзий сиймосини танлаб олади.

**«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР суҳбатлашди.**



*Болам, қор ёғаётир, ризқ ёғаётир...*

**Тўлқин КАРИМОВ сурат-лавҳаси.**

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрнинг Олстер католик партияси йўлбошчиси Жерри Адамс билан ўтказган музокаралари кутилган натижани бермади.

Шимолий Ирландиянинг Бирлашган қироллиқдан ажралиб чиқиши учун курашаётган католик-республикачилар Британия-Ирландия ҳукуматларининг Олстер бўйича ишлаб чиққан қўшма дастурини қатъиян рад этди. Мазкур дастур Олстер билан Бирлашган қироллик ўртасидаги сиёсий-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда Ирландиянинг ушбу ҳудудни ўз таркибига қўшиб олишдан воз кечишини кўзда тутган эди.

* * *

Сянган (собиқ Гонконг) марказидаги осмонўпар биноларнинг бирида содир бўлган кучли ёнғин оқибатида 3 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракати туфайли 30 киши қутқариб қолинди.

1996 йили ҳам Сянган марказидаги ана шундай кучли ёнғин 40 кишининг ўлимига сабаб бўлганди.

* * *

Индонезия Президенти Сухартонинг шу йил март ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловига ўз номзодини қўйиши маълум бўлди. Бу ҳақда Президент Сухарто билан учрашганидан сўнг, мамлакат парламенти раиси Ҳармоко хабар берди.

76 ёшли Сухарто бу гал ҳам сайловда ғолиб чиқса, бу унинг кетма-кет еттинчи бор Президент лавозимини эгаллаши бўлади.

* * *

Озарбойжон жамоатчилиги 1990 йилнинг «қора январ»и сифатида тарихда из қолдирган 20 январни мотам куни сифатида хотирлади. Ўшанда собиқ КПСС ҳамда республика раҳбарияти буйруғи билан «Республикада конституцион тузумни ҳимоя қилиш» баҳонасида Боку шаҳрига танклар киритилган эди. Натижада ўша куни 130 киши ҳалок бўлган, 700 киши эса жароҳатланган эди.

Мамлакатнинг барча шаҳар ва туманларида миллий байроқлар туширилиб, хотира кечаси, мотам маросимлари бўлиб ўтди. Бокудаги шаҳидлар хиёбонида бўлиб ўтган мотам маросимида Президент Ҳайдар Алиев ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари иштирок этди.

Шу куни Озарбойжон ҳукуматининг фармойишига биноан пойтахтда таксидан ташқари барча жамоат транспортлари бепул ишлади.

**(ЎзА)**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

## СПОРТ ХАБАРЛАРИ

### «ПАХТАКОР»ДА ТЎРТИНЧИ АБДУРАИМОВ

***Ўзбек футболи тарихи ва бугунида Абдураимовлар сулоласининг ўрни беқиёс. Муҳими, ушбу сулоланинг барча аъзолари Тошкентнинг «Пахтакор» командаси учун хизмат қилиб келган. Сулола бошлиғи Биродар Абдураимов 1960-70 йилларда ном чиқарган бўлса, 1987-1997 йиллар давомида унинг ўрнини Азамат ва Жасур Абдураимовлар эгаллади.***

***«Пахтакор»да яқинда яна бир Абдураимов пайдо бўлди. Сулоланинг энг кичик аъзоси Баҳодиржон ҳам навбатдаги мавсумдан бошлаб майдонга туша бошлайди.***

***Яна бир янгилик: «Пахтакор»нинг собиқ бош мураббийси Александр Иванков ҳамда унинг ёрдамчиси Григорий Цейтлин 7-мавсумдан бошлаб Самарқанднинг «Афросиёб» командасига раҳбарлик қилади.***

### МАЪРУФАЛИЕВ ЎЙЛАБ ҚОЛДИ

МҲСК ҳамда Ўзбекистон миллий терма командасининг аъзоси Абдуқаҳҳор Маъруфалиевга Хоразмнинг «Хоразм» ва Бухоронинг «Бухоро» командаларидан таклифлар тушди. Ҳозирча Абдуқаҳҳор бир фикрга келгани йўқ.

### СЕРГЕЙ ЛЕБЕДЕВ РОССИЯДА...МИ?

*Мамлакатнинг тўрт карра чемпиони — Фарғонанинг «Нефтчи» клуби аъзоси Сергей Лебедев ҳамда Равшан Бозоров навбатдаги чемпионатда Ўзбекистонда эмас, балки Россия клубларидан бири — «Крылья Советов»да тўп сурадиган кўринади, — дея хабар беради «Молодежь Узбекистана» газетаси.*

### ОЛЕГ БЛОХИН ДЕПУТАТ БЎЛМОҚЧИ

***Собиқ СССР терма командасининг энг машҳур ҳужумчиси, украиналик Олег Блохин «Грамода» сиёсий уюшмаси томонидан Украина парламентига депутатликка сайланишни режалаштирмоқда.***

### ФУТБОЛ МАЙДОНИДА МУШТЛАШУВ

Польшанинг ички чемпионатида ҳали мамлакат тарихида юз бермаган воқеа содир бўлди. Икки команда учрашуви давомида жанжал чиқди. Ишқибозлар тўғри келган кишини тутиб олиб дўппослай бошлади. Натижада мухлислар ва полициячилардан бир неча киши ҳалок бўлди. Жиноятчиларни қидириш ва жазолаш давом этмоқда.

### АНАТОЛИЙ КАРПОВ ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

*Россиянинг дунёга машҳур шахмат устаси Анатолий Карпов яна бир марта дунё тожини ўзида сақлаб қолди. Швейцариянинг Лозанно шаҳрида ФИДЕ қарамоғида ўтказилган учрашувда у ҳиндистонлик тож даъвогари Вишванатан Анандни мағлуб этди.*

*Анатолий Карпов дастлаб 1975 йилда жаҳон тожини қўлга киритган эди. Шундан буён у ўзининг ажойиб ўйинлари, тенгсиз ақлий иродаси туфайли бутун оламга ном чиқарган Виктор Корчной, Ян Тимман сингари шахматчиларни бир неча бор доғда қолдирди. 1996 йилнинг кузида бу шахмат юлдузи АҚШлик Камскийни ҳам енгиб, тож эгаси бўлган эди. Кўриб турганингиздек, 1998 йил ҳам Анатолий Карповга яна бир бор катта муваффақият келтирди.*

**«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.**

# ОИЛА ТАНЛОВИ

Жиззах вилоят ҳокимлигида оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирадиган дастур ишлаб чиқилди.

Ана шу дастур доирасида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят бўлими ижтимоий таъминот, халқ таълими бошқармалари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ҳамда «Жиззах ҳақиқати» газетаси таҳририятининг оила мавзуида танлов ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади.

Кўрик-танлов низоми ишлаб чиқилди. Умумий миқдори эллик минг сўм бўлган олтита асосий, бешта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилди. Ҳомий ташкилот вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати йил давомида маҳаллий ижодкорлардан оила мавзуида келган турли жанрдаги асарларни танлаб, энг яхшиларини газета саҳифаларида чоп этадилар.

**Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

# КЎНГИЛДАН ТЎКИЛГАН ГУЛЛАР

***Республика «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Намоз Облоқулов билан суҳбат***





**— Намоз ака, «Ҳунарманд» уюшмасининг ташкил этилиши ўтган йили мамлакатимиз маданий, иқтисодий ҳаётида амалга оширилган энг хайрли ҳамда келажаги порлоқ амалий тадбирлардан бири бўлди, дейиш мумкин, тўғрими?**

— Албатта. Президентимиз Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган бу жамоатчилик уюшмаси қадим-қадимдан ўзининг қўли гул ҳунарманд усталари билан оламга машҳур бўлган Ватанимизнинг бетакрор ўзига хосликлари, қадриятларини авайлаб-асраб, келажак авлодга етказиш йўлида қилинган катта ғамхўрликдир.

**— Шу пайтгача фаолият кўрсатиб келган «Усто» бирлашмаси ҳамда «Мусаввир» фирмасидан сизнинг уюшмангиз қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Айтишим мумкинки, «Ҳунарманд» уюшмаси республикамиз ҳунармандларининг бошини қовуштириб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, ўтиш даврининг иқтисодий муаммоларини ҳал этишлари учун катта имтиёз беради.

Жумладан, Фармонда шундай дейилади: «1997 йил 1 апрелдан бошлаб белгиланган тартибда ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган ҳамда илова қилинган рўйхатга мувофиқ хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқараётган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсин». Бу эса уюшмамизга аъзо бўлган ҳунармандлар учун нақадар улкан имтиёз эканлиги сир эмас. Ушбу имтиёзни, ҳеч муболағасиз, Президентимизнинг ҳунарманд усталарга қаратаётган эътибори, Ватанимиз ўзлигини, муқаддас қадриятларини тиклаш бобидаги навбатдаги ғамхўрликлари, деб биламиз.

Сир эмас, собиқ тузум даврида хонадон шароитида ҳунармандчилик билан шуғулланганлар ҳар томонлама сиқиб қўйилган эди. «Хизматга туҳмат» деганларидек, улар ҳам меҳнат қилишди, ҳам турли йўллар билан маънавий-моддий сиқувга олинди. Биласизми, Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган ноёб заргарлик санъати асрлар оша яшаб келганди. Кейинги ўн йилликларда у ерда ҳам қўли гул заргарларни топиш амри маҳол бўлиб қолганди. Шунга ўхшаш бутунлай йўқолиб кетиш даражасига келиб қолган яна бир қатор халқ ҳунармандчилиги турлари мавжуд. Уларнинг кексайиб қолган вакилларини топиб, ёшларга санъатларини ўргатишимиз керак. Табиийки, улар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмаса, тикланиш жараёни қийин кечади.

**—Республикамиз ҳақиқатдан ҳам ҳунармандлар юрти, шаҳару қишлоқларда касбкорчиликнинг неча асрлик сулолаларининг авлодлари фаолият кўрсатаяпти. Маҳаллалар, қишлоқлар борки, ҳар бир хонадонда ҳунармандчилик буюмлари тайёрланади. Демак, улар «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлишлари ва юқорида айтилган имтиёздан фойдаланишлари мумкин. Шундай экан, аъзо бўлиш тартиби қандай бўлади?**

— Буни хоҳлаганлар бадиий кенгаш номига ариза ёзиб, ўзлари тайёрлаган ҳунармандчилик буюмларидан намуналар тақдим қиладилар. Шунингдек, энг кам ойлик маошнинг 1,5 баравари миқдорида аъзолик бадали тўлаш лозим. Кенгаш аъзолари маъқуллаган ҳунармандларга аъзо бўлганликларини тасдиқловчи гувоҳнома берилади.

**— Уюшма ўтган йили баҳорнинг охирларида ташкил этилган эди. Шу кунгача бу ерда қандай ишлар амалга оширилди?**

— Айни пайтда уюшмамизнинг бўлинмалари фаолият кўрсатаяпти. Ҳаттоки, ҳунармандчилиги кенг ва ўзига хос бўлган айрим вилоятларда бир неча бўлинмаларимиз ташкил қилинди. Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари бу масалага ўта масъулият билан ёндошиб, бизга ҳар томонлама кўмак бераётганликлари, айниқса, диққатга сазовордир.

**— Ташкилот ўз аъзоларига яна қай жиҳатлардан ёрдам бериши мумкин?**

— Йўл харажатларининг ортиб кетиши, иқтисодий алоқалар занжирининг узилиши оқибатида жуда кўп ҳунармандлар хомашё топишга қийналяптилар. Мана шуни ҳисобга олиб, республикамизнинг ўзига хос хомашё базаси бўлган ҳудудларини ўрганиб, хомашёни керакли жойларга етказиб бериш ва уни арзон нархда ҳунармандларга сотишни ташкил қилади. Шунингдек, чет эллардан майда механизациялар сотиб олишга, устахоналарни таъмирлашга ёрдам беради.

**— Ҳунармандчилик буюмлари бозорларимизни бойитиши табиий. Шу билан бирга, қўли гул усталаримиз оддий зардўзлик воситасида яратган ноёб, нафис, бетакрор буюмлар юксак маънавиятимизни янада бойитади, халқимизнинг ҳунармандчилик санъатини бутун дунёга кўз-кўз қилади...**

— Одатда, юртимизга ташриф буюрган аксарият хорижий меҳмонлар ўзбек ҳунармандлари тайёрлаган буюмларни кузатиб, унинг сеҳридан лол қолишларини кўп бор кузатганмиз. «Мана шундай ашёни ясаган уста бу касб билан бир умр шуғулланиб келаётган бўлса керак?» — деб сўрашади. Биз уларга ҳунарманд ўн саккиз ёшда эканлигини айтсак, ҳайратда қоладилар. Сирожиддин Зиёмов деган ҳунарманд йигитимиз бор. Қовоқнинг устига ишлов бериб, миниатюра расмлари чизади. Ҳар бир ишини ўзига хос санъат асари, деса бўлади. Вилоятларда ҳали биз билмаган қанчадан-қанча ана шундай ёшлар бор. Уларнинг аксарияти очилмаган булоқлар каби жилваю мавжларини намойиш қилишга тайёр турибдилар.

**— Айтайлик, ҳунармандчиликнинг бирон турига қизиқадиган, лекин уни ўрганишга имкон тополмаётган ёшлар-чи?**

— Уюшмамиз уларга ҳам алоҳида ғамхўрлик қилади. Ҳозир пойтахтимизда, вилоятларда устозликка ҳам лаёқати бўлган қўли гул ҳунармандларни аниқлаб, устоз-шогирдлик мактабларини ташкил қилаяпмиз. Қизиқиши, лаёқати бўлган ёшлар ана ўша устоздан ҳунар ўрганадилар. Бунинг учун мураббийга маош, шогирдга эса стипендия тўланади. Тажрибаларга асосланган ҳолда айтадиган бўлсак, шогирд бир йил ичида ҳунар сирларини эгаллаб олади.

**— Кейин улар қаерларда ишлашади?**

— Ҳунарманд бўлади-ю, иш топилмайдими? Ҳунар ҳамма замонларда ҳам эгасининг кунига яраган. Ҳунарли одам хор бўлмайди. Муҳими, гўзалликни яратган ҳам, уни қадрлаган ҳам эзгуликка ошно қалб эгасидир. Ҳунармандчилик — гўзалликка йўлдош. Демак, ҳунарманд одам халқи ва Ватанига фақат ва фақат яхшиликлар, эзгу туйғулар инъом этиб яшайди.

**Муҳтарама УЛУҒОВА суҳбатлашди.**

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0903, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.
Навбатчи — О. Раҳимов..
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00
*Босишга топширилди: 21.20*
1 2 3 4 5 6